

## А Ж Р И М

2021 йил октябрь ойининг 8 куни, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, Юнусобод туман “Биллур” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

судья О.Ҳайитов раислигида,

судья ёрдамчиси А.Алимов котиблигида, Юнусобод туман прокурори ёрдамчиси А.Абдузохиров, гумон қилинувчи Ерматов Карим Сабиржонович ва унинг ҳимоячиси-адвокат Х.Рузумов, жабрланувчи Музроббеков Шохрухбек Музаффарбек ўғлиларнинг иштирокида,

**Ерматов Карим Сабиржонович (Yermatov Karim Sabirjonovich)**, 29.09.1974 йил Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Бирлашган кўчаси, 17-уйда доимий рўйхатда туриб истиқомат қилувчи, эҳтиёт чораси қўлланилмаган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1004-2005/510-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки терговда аниқланган ҳолатга кўра, 2021 йил 30 июль куни соат 14:30ларда, ҳайдовчи Ерматов Карим Сабиржонович, ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 01F3720B бўлган “Матиз” русумли автоуловида, Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги, Боғишамол кўчаси бўйлаб, Ч.Айтматов кўчаси томондан, Янги шаҳар кўчаси томонга, ҳаракатланиб бориб, шу кўчада жойлашган “Ботаника боғи”нинг қаршисига етган вақтида, унинг ҳаракат йўналишига нисбатан чапдан ўнг томонга тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш йўлагидан ўтаётган пиёда Музроббеков Шохрухбек Музаффарбек ўғлини уриб юборган.

Содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида пиёда Ш.М.Музроббеков олган тан жароҳатлари билан Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказига мурожаат қилган.

Ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 24 август кунидаги 5122-Ҳ-Раж-сонли хулосасига кўра, Музроббеков Шохрухбек Музаффарбек ўғли мазкур йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида “Ўнг кичик болдир суягини пастки учлигидан ёпиқ майдаланиб силжимасдан синиши, ўнг елка бўғими, ўнг тирсак бўғими ва пешона соҳалари шилинмалари” каби тан жароҳатлари олган бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра “**Ўртача Оғир**” даражадаги тан жароҳатлар эканлиги аниқланган.

Гумон қилинувчи К.Ерматов суд мажлисида, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ



қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Музроббеков судга ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, унда К.Ерматовга нисбатан унинг ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини билдириб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчилар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Ш.Музроббеков ҳамда гумон қилинувчи К.Ерматовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Юнусобод туман прокурорининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи К.Ерматовнинг айбига иқрорлиги, етказилган зарарнинг тўлиқ қоплаганлиги, ярашув, гумон қилинувчи ва жабрланувчи бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, К.Ерматовга нисбатан жиноят ишини, ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Ш.Музроббековга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи **Ерматов Карим Сабиржонович**га нисбатан жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Ш.Музроббековга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи, судья**

(имзо)

**О.Ҳайитов**

Нусхаси аслига тўғри, судья:

